

Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг танлама кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ТАРТИБ

Мазкур тартиб саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича статистик маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш учун зарур бўлган репрезентатив маълумотлар олиш мақсадида, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг танлама кузатувини (кейинги ўринларда кузатув деб аталади) ташкил этиш ва ўтказиш механизмини белгилайди.

Мазкур тартиб жисмоний шахсларнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги ҳиссаси тўғрисида илмий асосланган хулосалар чиқариш учун имкон берадиган ишончли статистик маълумотларни шакллантириш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан фойдаланишга мўлжалланган.

Кузатув Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисида имкон қадар тўлиқ маълумотларни шакллантириш учун тадбиқ этилган.

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур тартибда қуйидаги асосий таъриф ва тушунчалардан фойдаланилади:

якка тартибдаги тадбиркор - тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахсдир;

ишлаб чиқариш фаолияти - бу маҳсулотни сотиш ёки алмаштириш учун ёки жисмоний шахсларнинг шахсий истеъмоли учун мўлжалланган бошқа бирор-бир маҳсулотга ўзгартириш (ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш) жараёни ҳисобланади. Бунда, маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар)нинг ишлаб чиқариш ҳажми озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларга ҳамда саноат характеридаги хизматларга бўлинишини назарда тутиш лозим.

озиқ-овқат товарлари - истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришини ўз ичига олиб, уларга гўшт ва гўшт маҳсулотлари, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, қайта ишланган ва консерваланган мева ва сабзавотлар, қуритилганларни қўшган ҳолда, мол ва ўсимлик мойлари ва ёғлари (сариеғ, ўсимлик мойи, мол ёғи ва бошқалар), сут

маҳсулотлари, ун ва ёрма маҳсулотлари, нон ва кондитер маҳсулотлари, зираворлар ва хуштаъм берувчилар, ичимликлар (спиртли ва спиртсиз) киради;

гўшт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш – мол сўйиш, гўштга (мол, чўчка, қўй, қуён, туя, от ва бошқа ҳайвонлар гўшти) ишлов бериш ва қадоклаш, совутиш ёки музлатишни, қуритилган, тузланган, дудланган гўшт, гўшт маҳсулотларини, сосиска, колбаса, салями, қондан тайёрланган колбаса, сакланган қуруқ колбаса, сервелат, паштетлар, сардакли, қиймаланган гўштлар, рулетлар, қайнатилган ветчина, гўшт экстрактлари ва шарбатлар, озиқбоп субмаҳсулотлар (ичак-чавоқ, каллалар, туёклар ва шунга ўхшашлар) ишлаб чиқаришни ўз ичига олади;

сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш – сутни ёғсизлантиришни, киздирилган, стерилизация, гомогенизация қилинган ва/ёки бошқа юқори ҳарорат таъсирида қайта ишланган сут асосидаги ичимликлар, сутдан олинган қаймоқлар, қуруқ сут ёки шакарли ёки шакарсиз қуюлтирилган сут, қаттиқ шаклдаги сут ёки қаймоқ, сариеғ, йогурт ёки қатик, пишлок, творог, зардоб, казеин ёки лактоза ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Бунда, саноатга оид қайта ишлаш амалга оширилмаган хом/ёғи олинмаган сут ушбу тоифага киритилмайди;

балиқ ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш – балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва консервалаш (музлатиш, юқори ҳароратда музлатиш, қуритиш, қайта ишлаш, дудлаш, тузлаш, зич ёпиладиган идишларга консервалаш ва ҳ.к.), балиқдан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади;

ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш - тайёр тўқимачилик маҳсулотларни ишлаб чиқариш – адёл, сочиқ-дастурхон ва кўрпа-тўшак, парда, ёстик, гилам ва гилам маҳсулотлари, кийим-кечак, ички кийим, рўмол, бош кийим, трикотаж ёки тўқилган буюмлар, оёқ кийим, мебель, ўйинчоқ, қурилиш материаллари (ўз эҳтиёжи учун), заргарлик буюмлари ва бошқаларни ишлаб чиқариш киради.

2. Кузатув ҳар чорақда ўтказилади ва ўз ичига кузатув даврдаги маълумотларни қамраб олади.

3. Кузатув ўтказиш жараёни қуйидаги босқичларни қамраб олади:

- а) кузатув ўтказиладиган жисмоний шахсларни танлаб олиш;
- б) кузатув анкетаси бўйича сўров ўтказиш;
- в) бирламчи маълумотларни дастурга киритиш ва қайта ишлаш.

2. Танлама кузатув инструментарийси

4. Кузатувни ўтказиш учун 1-саноат (JSh) “Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг танлама кузатуви анкетаси”дан фойдаланилади (кейинги ўринларда 1-саноат (JSh) анкетаси деб аталади).

3. Кузатув объекти ва танлама жамланмасини шакллантириш

5. Танловнинг асосини (мақсадли жамланмасини) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариш фаолияти билан рўйхатдан ўтган ва 1-иловада келтирилган фаолият турлари бўйича “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими”да ҳисобда турган якка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этади.

Мақсадли гуруҳ мажмуи туманлар (шаҳарлар) бўйича қатламларга ажратилади, танланма миқдори ҳар бир туман (шаҳар) бўйича мос қатламнинг 10 фоизини ташкил этади.

6. Танланма мажмуини шакллантириш, ҳар бир қатлам бўйича республика даражасида амалга оширилади. Бунда, махсус дастурий таъминотдан фойдаланиб, оддий такрорланмайдиган ихтиёрий танлов усули қўлланилади.

7. Мақсадли гуруҳ мажмуи ҳар чоракда, чорак охири ойининг 1-санаси ҳолатига “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими” маълумотлари асосида шакллантирилади, бунда, Статистик регистрларни юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш бошқармаси ҳар чоракда, чорак охири ойининг 5-санасига қадар 1-иловада келтирилган фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар рўйхатини шакллантириб, Саноат статистикаси бошқармасига тақдим этади.

8. Танланма мажмуини тузишнинг якуний натижаси бўлиб, маълумотлар базаси кўринишида, ҳар бир туман (шаҳар) бўйича шакллантирилган якка тартибдаги тадбиркорлар рўйхати ҳисобланади ва у эса ўз ичига қуйидаги реквизитларни қамраб олади:

- а) якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.Ш.;
- б) СТИР рақами;
- в) фаолият тури коди;
- г) ҳудудий мансублик коди ва жойлашган манзили;
- д) алоқа телефони.

4. Маълумотларни йиғиш ва бирламчи қайта ишлаш бўйича ишларни ташкил этиш

9. Давлат статистика қўмитасининг Саноат статистикаси бошқармаси ҳар чоракда чорак охири ойининг 10-санасига қадар 1-sanoat (JSh) анкетаси бўйича кузатув ўтказилиши белгиланган якка тартибдаги тадбиркорлар рўйхатини электрон кўринишда шакллантиради ҳамда ҳудудий статистика бошқармаларига юборади.

10. Худудий статистика бошқармалари Давлат статистика қўмитасидан олинган рўйхатга асосан туман (шаҳар) бўйича рўйхатни шакллантириб, чорак охири ойининг 15-санасига қадар туман (шаҳар) статистика бўлимларига етказиб беради.

11. Туман (шаҳар) статистика бўлимлари, олинган рўйхатга асосан чорак охири ойининг 20-санасига қадар телефон орқали ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг жойлашган манзилига бевосита ташриф буюрган ҳолда кузатувнинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради ва 1-sanoat (JSh) анкетаси бўйича сўровни ўтказди.

12. Кузатув жараёнида туман (шаҳар) статистика бўлимлари масъул ходимлари қуйидагиларга амал қилиши лозим:

а) сўровни қатъий танлов рўйхатига киритилган яқка тартибдаги тадбиркорларда ўтказиш;

б) яқка тартибдаги тадбиркорларни ҳурмат қилиш, уларга нисбатан хушмуомала бўлиш ва сўровнинг ихтиёрийлигини таъминлаш;

в) кузатувнинг мақсади ва вазифаларини аниқ тушунтириш ҳамда сўровни холис ва беғараз ўтказиш;

г) тўлдирилган 1-sanoat (JSh) анкетасига яқка тартибдаги тадбиркорнинг руҳсатисиз тузатиш ва ўзгартиришлар киритмаслик;

д) яқка тартибдаги тадбиркордан олинган маълумотларни ошкор қилмаслик, тўлдирилган 1-sanoat (JSh) анкеталарини фақат худудий статистика бошқармасининг кузатув учун масъул ходимларига тақдим этиш;

е) тақдим этилган маълумотлар, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг кузатувда иштирок этиш учун сарфлаган вақтлари учун миннатдорчилик билдириш.

13. Танловга тушган барча яқка тартибдаги тадбиркорларда 1-sanoat (JSh) анкетаси бўйича сўровлар яқунлангандан сўнг, туман (шаҳар) статистика бўлимлари кузатув жараёнида тўлдирилган барча 1-sanoat (JSh) анкеталарини худудий статистика бошқармасининг масъул ходимига топширадилар.

14. Туман (шаҳар) статистика бўлимларидан тўлдирилган 1-sanoat (JSh) анкеталарини қабул қилишда, уларнинг тўғрилигига ва тўлиқлигига эътибор бериш зарур, чунки тўғри тўлдирилган 1-sanoat (JSh) анкеталар, олинган натижаларнинг сифатлилигини таъминлайди.

15. 1-sanoat (JSh) анкетаси бўйича маълумотларни дастурий таъминотга киритиш ҳамда арифметик ва мантикий хатолар йўқлигини текшириш худудий статистика бошқармалари томонидан амалга оширилади.

16. Агар танловга тушган яқка тартибдаги тадбиркор 1-sanoat (JSh) анкетаси бўйича саволларга жавоб беришдан бош тортса ёки ушбу тадбиркор бошқа фаолият тури билан шуғулланса ёки белгиланган манзил бўйича топилмаса, ушбу яқка тартибдаги тадбиркор бўйича “респондент саволларга жавоб беришдан бош тортди”, “бошқа фаолият тури билан шуғулланганлиги сабабли саноат фаолияти билан шуғулланмайди” ёки тегишлича “мазкур манзил бўйича яқка тартибдаги тадбиркорлик

билан шуғулланмайди” белгиси қўйилади ва кузатув натижалари бўйича таҳлилий жадваллар бундай якка тартибдаги тадбиркорларни ҳисобга олмаган ҳолда шакллантирилади.

17. Маълумотларни текшириш, таҳлил қилиш ва улардаги хатоликларни тўғрилаш ишлари амалга оширилганидан сўнг, маълумотлар электрон база кўринишида Давлат статистика қўмитасига тақдим этилади.

5. Яқуний қоидалар

18. Ҳудудий статистика бошқармасининг масъул ходимлари, кузатув жараёнида олинаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида, танланма равишда айрим якка тартибдаги тадбиркорлар билан телефон орқали боғланган ҳолда назорат ишларини олиб борадилар, бунда, кузатилган якка тартибдаги тадбиркорларнинг 15 фоиздан кам бўлмаган сони текширилади.

19. Кузатув ўтказилишини мувофиқлаштириб бориш ва мониторинг қилиш, унинг натижаларини таҳлил ва эълон қилиш Давлат статистика қўмитасининг Саноат статистикаси бошқармаси томонидан амалга оширилади.

20. Кузатув натижалари келгусида саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблашда ва якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятининг Ўзбекистонда ривожланишини ўрганиш учун фойдаланилади.

21. Мазкур кузатувнинг ўтказиш қоида ва тартибларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Фойдаланилган маълумотлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти O'zDSt 2914:2014// “Узстандарт” агентлигининг 2015 йил 19 январдаги 05-612-сон қарори билан тасдиқланган, Иқтисодик фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи (МСТ).

2. Саноат статистикаси бўйича халқаро тавсиялар 2008 й.

3. Корхоналарнинг статистика кузатувларини режалаштириш ва ўтказиш бўйича қўлланма (Евростат, 1999 й.);

Ишлаб чиқариш фаолияти билан
шуғулланувчи жисмоний
шахсларнинг танлама
кузатувини ташкил этиш
ва ўтказиш бўйича
тартибга
1-ИЛОВА

**Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган
ва 1-sanoat (JSh) анкетаси бўйича танлама равишда кузатиладиган
саноат характеридаги фаолият турлари
рўйхати**

Тур	Фаолият турлари номи
1.	Ганч ўймакорлиги
2.	Ёғоч ўймакорлиги
3.	Суяк ўймакорлиги
4.	Тош ўймакорлиги
5.	Ёғочдан тайёрланган халқ хунармадчилиқ буюмлари
6.	Темир ва тунукадан тайёрланган буюмлари
7.	Қиличлар, ханжарлар ва пичоқлар
8.	Ўйилган буюмлар
9.	Чинни, фаянс ва керамика
10.	Қимматбаҳо металллардан заргарлик буюмлари
11.	Қўлда гилам тўқиш
12.	Қўлда тўқиш ва тикиш
13.	Шиша буюмлар
14.	Зардўзлик буюмлари
15.	Каштачилик
16.	Тўпик ва босма тикиш
17.	Миллий либослар ва бош кийимлар
18.	Муסיкий асбоблар
19.	Миниатюра, рассомлик санъати, орнаментал ва эмаль безаклар
20.	Ҳажмли ва жисмли шаклларни қуйиш буюмлари
21.	Ясси пластика ҳайкалчалари
22.	Ўйинчоқлар
23.	Тўқув
24.	Теридан тайёрланган буюмлар ва оёқ кийимлар
25.	Эсдалиқ буюмлари
26.	Тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларни, тўқимачилиқ галантереясидан тикилган буюмларни таъмирлаш ва тикиш, шу жумладан дераза ва эшик пардалари тикиш, трикотаж буюмларни тўқиш
27.	Хайвонлар терилари, мўйна, тўқимачилиқ, чарм буюмлар ва бошқа буюмларни ошлаш ва бўяш
28.	Якка буюртмалар бўйича пойабзал тайёрлаш ва тикиш, пойабзални таъмирлаш, бўяш ва тозалаш
29.	Атторлик буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш
30.	Бижутерия ва жевакларни тайёрлаш ва таъмирлаш

Тўр	Фаолият турлари номи
31.	Калитлар тайёрлаш
32.	Металл ва тунука буюмлар тайёрлаш ва таъмирлаш
33.	Тўсиқлар, ҳайкаллар, металлдан ясалган гулчамбарларни тайёрлаш ва таъмирлаш
34.	Ёғочдан (мебелдан ташқари) ва алюминий (пластик) профилдан эшик, дераза ва бошқа буюмлар тайёрлаш
35.	Инвентарни (хўжалик, спорт, балиқчилик ва ҳоказо инвентарь) таъмирлаш ва тайёрлаш
36.	Якка буюртма бўйича қимматбаҳо металллардан ва тошлардан заргарлик буюмларини ясаш, шунингдек заргарлик буюмларини таъмирлаш
37.	Миллий ширинликлар, нон-булка ва қандолатчилик маҳсулотлари, поп-корн, фрезерда музқаймоқ, салатлар ва тузламалар тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ажратилган махсус жойларда ўтириш жойлари ташкил этмасдан доналаб сотиладиган таомларнинг айрим турларини тайёрлаш
38.	Компьютер дастурларини ишлаб чиқиш хизматлари, компьютер ўйинларини ташкил этиш, шунингдек компьютер ёрдамида матнларни териш ва босиб чиқариш хизматлари, матндан нусха олиш ва кўпайтириш билан боғлиқ хизматлар
39.	Ташриф қоғозлари ва таклифнома билетларини тайёрлаш ва босиш
40.	Муқовалаш ишлари
41.	Тегирмонларда донни майдалаш (тозалаш) хизматлари
42.	Мол сўйиш хизматлари
43.	Матрицали принтерлар ва алфавит-рақам ёзадиган қурилмалар учун бўёвчи тасмаларни тайёрлаш ва қайта ишлаш
44.	Қоғозлар ва скоросшивателлар учун конвертлар, папкалар тайёрлаш
45.	Пахта (илгари истеъмолда бўлган) ва жун тозалаш ҳамда титиш хизматлари
46.	Ёғоч меъморчилиги (ёғоч ҳайкаллар, болалар майдончалари ва парк зоналари учун ёғочдан тайёрланган қурилмалар)
47.	Матоларга нақш бериш (мато ва кийим буюмларини қўлда бўяш, матоларга расм чизиш, шунингдек расмларни босиб (трафарет усулда) чиқариш ва қўлда чизиш)